

Умму Ҳабиба онамизнинг Набий алайҳиссаломга бўлган юксак эҳтиромлари



19:02 / 08.01.2020 5886

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг Умму Ҳабиба онамизни қандай кутиб олганларини ибн Асокир қуйидагича васф қиладилар:

«Умму Ҳабиба онамиз розияллоҳу анҳо келганида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Билолга амр қилдилар. У у кишининг туяларининг тизгинидан тутиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам амр қилган манзилга туширди. У ерда бир фаррош аёл бор экан. У ўз отасининг озод қилган чўрисига:

«Агар хоҳласанг, сен сув келтир, мен супурай ёки мен сув келтирай, сен супур», демоқда экан.

Бас, уйни супурди. Кейин жун гилам тўшади. Унинг устига ҳам бир нарса солди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аҳлларининг олдига киришга изн сўрадилар. Бас, у зот унинг олдига кирганларида хушбўй нарсанинг ҳидини сездилар ва:

«Албатта, булар қурашиялардир, шаҳарликлардир. Аъробиялар ва бадавиялар эмасдир», дедилар».

Ана шу ондан бошлаб, Умму Ҳабиба онамиз нубувват хонадонининг бахтиёр аёллари қаторидан жой олиб, яшай бошладилар.

Мушрик отанинг муомаласи

Ҳудайбия сулҳида ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шартномаларига қўшилмоқчи бўлса, қўшилавериши, шунингдек, ким Қурайшнинг шартномасига қўшилмоқчи бўлса, қўшилаверишига келишилган эди. Ана ўша бандга биноан, Бани Бакр Қурайшнинг, Ҳузоъа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шартномаларига қўшилган эди.

Бани Бакр билан Ҳузоъа ўртасида қадимдан адоват бор эди. Исломдан олдин улар бир-бирлари билан урушиб туришарди. Ислом келганидан кейин бу адоват тўхтади. Ҳудайбия сулҳи тузилгач, бу икки қабила бир-бирига қарши икки томонга шерик бўлиб, душманликлари яна янгиланди. Бани Бакр қабиласи пайтдан фойдаланиб, Ҳузоъадан эски ўчини олмоқчи бўлди. Ҳузоъаликлар ўз сувхоналарида машғул бўлиб турганларида Бани Бакрнинг одамлари уларга тўсатдан ҳужум қилиб, бир неча кишини ўлдиришди. Тўс-тўполон бўлиб, орада уруш чиқди. Ҳатто Қурайш ўз шартномадоши Бани Бакрга қурол етказиб берди. Қурайшнинг кўзга кўринган одамлари кечаси билдирмай бориб, урушда иштирок этишди. Ҳузоъаликлар ҳарамга қараб қочишди. Ҳарамга етиб боришгач, Бани бакрликларнинг баъзилари:

«Энди ҳарамга кирдик. Худодан қўрқинглар! Худодан қўрқинглар!» дейишди. Бошқалари эса:

«Бугун Худо йўқ! Эй Бани Бакр, ўчингизни олиб қолинг! Бундан кейин қулай фурсат келмайди!» дейишди.

Шундан кейин Амр ибн Солим ал-Ҳузоъий ўз қабиласидан қирқ отлиқ билан Мадинаи Мунавварага қараб йўл олди. У тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, тик турган ҳолда байт ўқиди.

Унда у зотга ўзлари билан Хузоъа ўртасида шериклик шартномаси борлигини эслатиб, ёрдам сўради. Қурайшнинг у зот билан тузган сулҳни бузганлигини, сувхонага келиб, рукуъ ва саждада турган кишиларни қатл қилганларини айтди. У зот:

«Сенга нусрат берилур, эй Амр ибн Солим!» дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Солимга ёрдам берилиши ҳақида гапирган бўлсалар ҳам, ҳақиқатни текшириб кўрдилар. У зот Қурайшга одам юбориб, улардан уч нарсадан бирини танлашга чақирдилар:

Хузоъалик ўлдирилган кишиларнинг хунини тўлаш.

Аҳдбузарларни – Хузоъага қарши ҳужум уюштирган Бани бакрликларни ўз шериклигидан чиқариш.

Аҳдни бузиб, уруш ҳолига ўтиш.

Уларнинг бошлиқларидан бири аҳдни бузиб, уруш ҳолига ўтишни ихтиёр қилганликларини маълум қилди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бу хабар етиб келганда саҳобаларга:

«Худди сизларнинг ҳузурингизга Абу Суфён келиб, аҳдни мустаҳкамлаш ва унинг муддатини чўзишни сўрайдиганга ўхшайди», дедилар.

Шундай бўлди ҳам. Қурайш ўз қилмишига надомат қилди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига аҳдни мустаҳкамлаш ва унинг муддатини чўзишни сўраш учун вакил юборишга қарор қилишди ва ўша вақтда ширк жамоасининг бошлиғи бўлган Абу Суфён ибн Ҳарб Мадинаи Мунаввара томон йўлга чиқди. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайнотаси эди, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳараларидан бири Умму Ҳабиба онамиз унинг қизи эди.

Шунинг учун ҳам Абу Суфён Мадинаи Мунавварага етиб боргач, тўғри қизи Умму Ҳабибанинг олдига кирди. У ўз жигаргўшасиникида ўзини эркин сезиб, тўшаб қўйилган кўрпачага ўтирмоқчи эди, шунда кутилмаган иш содир бўлди. Умму Ҳабиба узоқ муддатдан бери кўришмай юрган отасининг тагидан кўрпачани тортиб олдилар. Абу Суфён ҳайрон қолиб:

«Қизгинам, нима бўлди? Бу кўрпачани менга раво кўрмаяпсанми? Ёки мени кўрпачага раво кўрмаяпсанми?» деб сўради.

Умму Ҳабиба:

«Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрпачалари! Сен мушриксан, сенинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрпачаларига ўтиришингни истамадим», дедилар.

«Аллоҳга қасамки, сенга мендан кейин ёмонлик етибди», деди у.

Умму Ҳабиба онамизнинг бу ишлари у кишининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган юксак эҳтиромларидан эди. Умму Ҳабиба онамиз нима қилиб бўлса ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўпроқ рози қилиш пайида эдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан